

**SCIENCE**  
**PROBLEMS.UZ**

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

**№ 8 (3) - 2023**

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

---

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ  
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

---

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES  
AND SOCIAL SCIENCES



**ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ**

ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ

ELECTRONIC JOURNAL



ISSN: 2181-1342 (Online)

Сайт: <https://scienceproblems.uz>

DOI: 10.47390/SCP1342V3I8Y2023

**SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

*№ 8 (3)-2023*

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### *07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### *08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### *09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

### *10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### *12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:*

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

#### *13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:*

Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

#### *19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Каримова Васида Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш

ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психология кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

#### *22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Латипова Нодида Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

#### *23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР*

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

---

## **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

### **Crossref DOI:**

Тахририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

### **Google Scholar**

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

---

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.  
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

**Тахририят манзили:**  
Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: [scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)  
Телеграм канал: [https://t.me/scienceproblems\\_uz](https://t.me/scienceproblems_uz)

## МУНДАРИЖА

### 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

- Воҳидова Комила Абдуллозизовна*  
“ЭЛ БАЙРОҒИ” ГАЗЕТАСИ ҲАҚИДА ..... 11-17
- Сулайманов Саламат Арепбаевич*  
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН МУХТОР ВИЛОЯТИДА ҚУРУҚЛИК ВА СУВ ТРАНСПОРТИ: МУАММО  
ВА ЕЧИМЛАР (1924-1932 ЙЙ) ..... 18-24
- Раунов Холмамат*  
ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА УРАН КОНЛАРИНИ ЎЗЛАШТИРИШ ТАРИХИ ..... 25-32
- Мажидов Анвар Сиражович*  
ИМПЕРИЯ МУСТАМЛАКАЧИЛИК СИЁСАТИНИНГ ТУРКИСТОН ТУБ ХАЛҚЛАРИНИНГ  
ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА ФУҚАРОЛИК АҲВОЛИГА ТАЪСИРИ (СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ  
МИСОЛИДА) ..... 33-40
- Begatova Nasiba Xolmurzayevna*  
FERMER XO‘JALIKLARI VA KLASSTER TIZIMI UCHUN O‘RTA MA‘LUMOTLI MUTAXASSISLARNI  
TAYYORLASH TIZIMIDAGI YUTUQLAR VA MUAMMOLAR (SURXONDARYO VILOYATI  
MISOLIDA) ..... 41-48
- Алланазаров Мурот Мирзаевич*  
БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ НОЗИРЛАР ШЎРОСИ ВА МИЛЛИЙ РАҲБАР  
ХОДИМЛАР ФАОЛИЯТИ ХУСУСИДА ..... 49-54
- Ismoilova Feruza Ibragimovna*  
URUSH YILLARIDA XOTIN-QIZLARNING ILM-FAN VA MADANIYAT SOHALARIDAGI  
XIZMATLARI ..... 55-59
- Tursunov Xurshid Nasriddinovich*  
O‘ZBEKISTONDA MUSTAQILLIK YILLARIDA TARIXCHI KADRLAR TAYYORLASH SOHASI  
HUQUQIY ASOSLARINING YARATILISHI ..... 60-64

### 08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

- Yuldosheva Gulnoza Abdinabiyevna*  
THE ROLE OF THE DIGITAL ECONOMY IN MODELING THE FINANCIAL ACTIVITIES OF  
ENTERPRISES ..... 65-70
- Oromidinov Muzaffar Pardabayevich*  
DIRECTIONS FOR IMPROVING INTERNAL AUDIT IN COMMERCIAL BANKS ..... 71-75
- Худайназарова Дилором Хайруллаевна*  
ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ ДОИРАСИДАГИ  
РИСКЛАРИНИ СТРАТЕГИК ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ..... 76-84

<i>To'lov Ulug'bek Toshmamatovich, Jo'rayev Sirojiddin Muxiddin o'g'li</i> KO'CHMAS MULKNI SOLIQQA TORTISHDA XORIJIY DAVLATLARDA AMALGA OSHIRILGAN ISLOHOTLAR .....	85-92
<i>Xudayberganov Dilshod Tuxtabayevich</i> MINTAQADA XIZMAT TURLARIDAN SAMARALI RIVOJLANTIRISH YO'NALISHLARI .....	93-98
<i>Turobov Sherzod Alisherovich</i> O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA UY XO'JALIKLARI TADBIRKORLIGINI RIVOJLANTIRISHDA DAVLAT SIYOSATI .....	99-105
<i>Шамсиев Нодир Муратович</i> МЕТОДЫ ОЦЕНКИ ПОКАЗАТЕЛЕЙ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ ПРИ АНАЛИЗЕ РЕЙТИНГОВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ И ИХ КАЧЕСТВЕННОЕ ОПИСАНИЕ .....	106-110
<i>Zaripova Moxira Zarip qizi</i> AGRAR SOHAGA XORIJIY INVESTITSİYALARNI JALB QILISH SAMARADORLIGINI OSHIRISH IMKONIYATLARI .....	111-114
<i>Узайдуллаев Шерзод Шукуруллаевич</i> ЎЗБЕКИСТОНДА ИННОВАЦИОН ИНФРАТУЗИЛМАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ОМИЛЛАРИ .....	115-121
<i>Atabayeva Karomat Rajabovna, Rajabova Maftuna Farhod qizi</i> O'ZBEKISTONDA TURIZM SOHASINING RIVOJLANISHI VA TAHLILI .....	122-127
<i>Жумаева Мухлиса Абдуғани қизи</i> МАМЛАКАТДА АЁЛЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ .....	128-137
<i>Камалов Акмал Сайдакбарович, Саматов Ғаффор Аллақулович</i> ГЕОИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР ШАРОИТИДА ТРАНСПОРТ ЛОЙИҲАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШГА БЎЛГАН ЁНДАШУВЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ .....	138-150
<i>Мамадиёров Олимжон Умарович</i> ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАШ НАЗАРИЯЛАРИ ЭВОЛЮЦИЯСИ.....	151-158
<i>Раббимов Жаҳонгир Эшбоевич</i> ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ОПЕРАЦИОН РИСКЛАРНИНГ МОҲИЯТИ, УЛАРНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШ САБАБЛАРИ .....	159-164
<i>Кулибоев Азамат Шоназарович</i> ДАВЛАТ ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ .....	165-174

*Гадоев Сўҳроб Жумакулович*  
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТИНИНГ ТАЪМИНОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
ЙЎЛЛАРИ ..... 175-181

*Бекжанов Дилмурод Йўлдашович*  
ЭМПИРИК ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ АСОСИДА ТУРИСТИК ДЕСТИНАЦИОН  
МЕНЕЖМЕНТ ЖАРАЁНИ ИШТИРОКЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШ ..... 182-193

### **09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ**

*Boydadayev Abdurroхтон Tolibjon o'g'li*  
SHARQ VA G'ARB IRRATSIONAL FALSAFASIDA PANTEISTIK QARASHLARNING QIYOSIY  
TAHLILI (J.RUMIY VA F.NITSSHE FALSAFASI MISOLIDA) ..... 194-200

*Xayridinov Abbosxon Anvarovich*  
GLOBALLASHUV JARAYONIDA MA'NAVIY MA'RIFIY INQIROZLARNING OLDINI OLISHDA  
MARKAZIY OSIYO QADRIYATLARINI YUKSALTIRISH ISTIQBOLLARI ..... 201-205

*Quramboyev Alisher Maxsudovich*  
TEMURIYLAR DAVRIDA IJTIMOY ADOLAT TAMOYILLARINING AMAL QILISHI ..... 206-211

*Jo'rayev Alisher Tulqinboyevich*  
JAMIYAT MILLIY ASOSLARINI MUSTAHKAMLASH – DAVLATNING USTUVOR  
MAQSADI..... 212-217

*Turabova Sevara Kattaqulovna*  
ILMIY VAHS FENOMENINING MANTIQUIY- GNOSEOLOGIK MAQOMINI O'RGANISHDA  
KONSEPTUAL-METODOLOGIK YONDOSHUV ..... 218-224

*Пардаева Марҳабо Давлатовна*  
АЛИШЕР НАВОЙ АСАРЛАРИДА ИЛМГА ОИД ҚАРАШЛАРИНИНГ НАҚШБАНДИЯ  
ҲОЯЛАРИ БИЛАН УЙҒУНЛИГИ ..... 225-233

*Qutlimuratov Sardorbek Rustamovich*  
NIKON MUNOSABATLARINING TADRIJIY RIVOJLANISHI ..... 234-240

*Tursunkulova Shaxnoza Tuychiyevna*  
DINIY MANBALARDA GO'ZALLIK TO'G'RISIDAGI FALSAFIY QARASHLAR ..... 241-246

*Юсупова Феруза Зойировна*  
АХЛОҚИЙ ИДЕАЛ – ЁШЛАР МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШИНING МЕЗОНИ ..... 247-251

*Teshaboev Muhiddin Marifovich*  
IJTIMOIY ADOLATNI TA'MINLASHNING PRINSIPIAL MASALALARI ..... 252-257

## **10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

<i>Soatova Nodira Isomitdinovna</i> LIRO-EPIK ASARLARDA POETIK FIKRNING BADIY IFODASI .....	258-265
<i>Narmuratov Zayniddin Radjabovich</i> FRAZEOLOGIK BIRLIKLAR LINGVOMADANIY BIRLIK SIFATIDA .....	266-269
<i>Yusupova Omina Muhammadzoir kizi</i> DIFFERENT CLASSIFICATION OF FAIRYTALE DISCOURSE IN WORLD AND UZBEK FOLKLORE .....	270-276
<i>Бозорова Хулкар Одинакуловна</i> РУССКИЙ ЯЗЫК КАК СОСТАВЛЯЮЩАЯ СОДЕРЖАНИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ПОДГОТОВКИ БУДУЩИХ СПЕЦИАЛИСТОВ .....	277-282
<i>Matyakubov Oybek Quralbayevich</i> KOGNITIV TILSHUNOSLIKDA «KONSEPT» TUSHUNCHASI .....	283-288
<i>Фатуллаева Камола Рахматуллаевна</i> ТЕРМИНЛАРНИНГ БЕЛГИЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАСНИФИ .....	289-293
<i>Karimjonova Shahlo Ravshanjonovna</i> O'ZBEK TILIDA KAUZATIV FE'LLARNING YASALISH USULLARI .....	294-299
<i>Xamzayev Otaxon Erkinovich</i> INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA KASB-HUNARGA OIDMAQOLLARNING CHOG'ISHTIRMA Tahlili .....	300-305

## **12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР**

<i>Абдурахманова Нодирахон</i> ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ СМАРТ-КОНТРАКТОВ В СНГ .....	306-310
<i>Сафоева Садокат Мусоевна</i> ЭКОСИСТЕМА СОЦИАЛЬНЫХ СЕТЕЙ: ИССЛЕДОВАНИЕ РОЛЕЙ ЗАИНТЕРЕСОВАННЫХ СТОРОН В КОНТЕКСТЕ ГРАЖДАНСКОГО ПРАВА .....	311-320
<i>Абдуллаева Маликабону Эркин қизи</i> ХАЛҚ ТАЪЛИМИ СОҲАСИДА КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ОИД АЙРИМ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИНИНГ ҚИЁСИЙ ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ .....	321-330

## **13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ**

<i>Zoirova Lola Xamidovna</i> TIBBIYOT OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA "INSON ORGANIZMINING RADIATSIYAGA SEZGIRLIGI" MAVZUSINI O'QITISHDA RAQAMLI TEXNOLOGIYALARDAN	
---	--



FOYDALANISH .....	331-336
<i>Ibragimov A'lamjon Amrilloevich</i> KOGNITIV SIFATLARNING UZLUKSIZ KASBIY RIVOJLANISHGA TA'SIRI (MAKTAB PEDAGOG XODIMLARI MISOLIDA) .....	337-343
<i>Madaminov Azimbek Egamberganovich, Xalillayev O'ktam Sobir o'g'li</i> YOSH GANDBOLCHI DARVOZABONLARNI O'YIN TEXNIKASIGA O'RGATISH .....	344-349
<i>Fayzullaeva Madina Abdumumin kizi</i> ANALYSIS OF THE POSITIVE IMPACT OF DIGITAL TECHNOLOGIES ON THE MOTIVATION AND KNOWLEDGE OF STUDENTS IN THE DEVELOPMENT OF THE EDUCATIONAL PROCESS .....	350-355
<i>Джумаева Хулкархан Мухаммаджонова</i> ВНУТРЕННИЕ УГРОЗЫ, НЕГАТИВНО ВЛИЯЮЩИЕ НА ДУХОВНОСТЬ СТУДЕНТОВ..	356-361
<i>Islomova Madina Asqarovna</i> INTEGRATSIYALASHGAN SUN'IY INTELLEKT TOMONIDAN YARATILGAN CHATGPT BOT YORDAMIDA NEMIS TILI O'QITISHNING SAMARADORLIGINI OSHIRISH .....	362-368
<i>Raxmatova Mexrinov Majitovna</i> YOSHLAR MA'NAVIY SALOHİYATINI O'RGANISHNING NAZARIY-METODOLOGIK ASOSLARI .....	369-373
<i>Абдукаюмова Наргиза Райимовна</i> ЮҚОРИ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ МАДАНИЙ-ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДИДАКТИК ШАРТЛАРИ .....	374-384
<i>Norboyev Farxod Chorshanbiyevich</i> KREATIVLIK VA INNOVATSIYA BORASIDA ZAMONAVIY NAZARIYALAR .....	385-390
<i>Borasheva Aybolgan</i> EXPLORING JAMES MCCROSKEY'S RESEARCH ON WILLINGNESS TO COMMUNICATE IN L1 CONTEXTS: IMPLICATIONS FOR LANGUAGE TEACHING AND LEARNING .....	391-398
<i>Fayzullayeva Gulchexra Sharipboyevna</i> KOGNITIV TADQIQOTLARNING FANLARARO TUSHUNCHA SIFATIDAGI MOHIYATI VA MANTIQUIY TAHLILI .....	399-409
<i>Boboraximov Sanjar Malikjanovich</i> MAKTABDA O'QUVCHILARNI JISMONIY TARBIYALASHNING ZARURATI VA UNGA QO'YILADIGAN TALABLAR .....	410-414
<i>Salimova Shahlo Sayfulloyevna</i> XAVFSIZ TA'LIM MUHITI MONITORINGINING AHAMIYATI .....	415-421

<i>Sayfiddinova Jamila Ziyodulla qizi</i> METHODOLOGY FOR THE DEVELOPMENT OF LOGICAL REASONING IN PRIMARY SCHOOL PUPILS .....	422-427
<i>Xamroyev Samijon Salimovich</i> SPORT TO‘GARAKLARI ORQALI TALABALARNING JISMONIY MADANIYATINI RIVOJLANTIRISH KOMPONENTLARI .....	428-433
<i>Kattaeva Feruza Shakirovna</i> DEVELOPING STUDENTS SOCIO-CULTURAL COMPETENCE BY USING SOCIO CULTURAL DISCOURSE ANALYSIS METHOD .....	434-441
<i>G‘ofurov Azizbek Umarjonovich</i> BO‘LAJAK JISMONIY TARBIYA FANI O‘QITUVCHILARINI TAYYORLASH TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH .....	442-447
<i>Abduraximova Umida Shuxratovna</i> BO‘LAJAK TARJIMONLARNING LINGVOMADANIY VA KOMMUNIKATIV KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISHNING NAZARIY-METODOLOGIK ASOSLARI .....	448-454
<i>Obidova Gulmira Kuzibaevna</i> INGLIZ TILINI O‘RGANISH JARAYONIDA TEXNIKA TA‘LIM YO‘NALISHI TALABALARIDA EKOLOGIK MADANIYAT ASOSLARINI SHAKLLANTIRISHDA ZAMONAVIY PEDAGOGIK TEKNOLOGIYALAR VA INTERAKTIV METODLAR .....	455-460
<i>Axmadaliyeva Xosiyatposhsho Abduxayotovna</i> PROFESSINAL TA‘LIM YO‘NALISHLARIDA TAHSIL OLAYOTGAN O‘QUVCHILARNING INGLIZ TILIDAN KOMMUNIKATIV KOMPETENSIYASINI AUTENTIK MATERIALLAR ORQALI TAKOMILLASHTIRISH .....	461-469

**Мажидов Анвар Сиражович**  
ЖДПУ Ўзбекистон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси  
E-mail: [a.majidov1975@gmail.com](mailto:a.majidov1975@gmail.com)

**ИМПЕРИЯ МУСТАМЛАКАЧИЛИК СИЁСАТИНИНГ ТУРКИСТОН ТУБ  
ХАЛҚЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА ФУҚАРОЛИК АҲВОЛИГА ТАЪСИРИ  
(СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

**Аннотация.** Мазкур мақолада тадқиқотчи томонидан Россия империяси мустамлакачилик сиёсатининг Туркистон туб халқларининг ижтимоий-иқтисодий ва фуқаролик аҳволига таъсири Сирдарё вилояти мисолида таҳлил қилинган. Унда бир қанча ҳужжатли манбалар ва илмий манбалар асосида Туркистонда XIX асрнинг иккинчи ярмида ҳукм сурган ҳокимият мустамлака тизимининг мазмун-моҳияти ўрганилган. Шунингдек, унда тадқиқотчи кўчириш сиёсати ва руслаштириш жараёнининг Сирдарё вилоятига таъсирига ҳам алоҳида эътибор қаратган.

**Калит сўзлар:** империя, Туркистон, Сирдарё вилояти, генерал-губернатор, уезд, экспансия, эксплуатация, православ руҳонийлари, десятина, кўчириш сиёсати, суғориладиган ерлар, таълим, мадраса.

**Majidov Anvar Sirajovich**  
Senior Lecturer of the Department of the History of Uzbekistan,  
Jizzakh State Pedagogical University

**THE INFLUENCE OF THE COLONIAL POLICY OF THE EMPIRE ON THE SOCIO-  
ECONOMIC AND CIVIL STATUS OF THE INDIGENOUS PEOPLES OF TURKESTAN (ON THE  
EXAMPLE OF THE SYRDARYA REGION)**

**Abstract.** This article analyzes the researcher about the influence of the colonial policy of the Russian Empire on the socio-economic life and civil status of the indigenous peoples of Turkestan on the example of the Syrdarya region. Based on a number of documentary and scientific sources, the essence of the colonial system of power that prevailed in Turkestan in the second half of the XIX th century was studied. The researcher also paid special attention to the resettlement policy and the process of Russification in the Syrdarya region.

**Key words:** empire, Turkestan, Syrdarya region, governor-general, district, expansion, exploitation, Orthodox priests, tithe, resettlement policy, irrigated lands, education, madrasah.

**Мажидов Анвар Сиражович**  
Старший преподаватель кафедры истории Узбекистана ДжГПУ

**ВЛИЯНИЕ КОЛОНИАЛЬНОЙ ПОЛИТИКИ ИМПЕРИИ НА СОЦИАЛЬНО-  
ЭКОНОМИЧЕСКОЕ И ГРАЖДАНСКОЕ ПОЛОЖЕНИЕ КОРЕННЫХ НАРОДОВ  
ТУРКЕСТАНА (НА ПРИМЕРЕ СЫРДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ)**

**Аннотация.** В данной статье анализируется влияние колониальной политики Российской империи на социально экономическую жизнь и гражданского положения коренных народов Туркестана на

примере Сырдарьинской области. На основе ряда документальных и научных источников изучена сущность колониальной системы власти, господствовавшей в Туркестане во второй половине XIX века. А также особое внимание исследователь уделит к переселенческой политике и процессу русификации в Сырдарьинской области.

**Ключевые слова:** империя, Туркестан, Сырдарьинская область, генерал-губернатор, уезд, экспансия, эксплуатация, православные священники, десятина, переселенческая политика, орошаемые земли, образование, медресе.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SCP1342V3I8Y2023N04>

XIX асрнинг ўрталарида Марказий Осиё халқлари ҳаётида юз берган салбий жараён ўзаро курашлар ва душманлик гирдобидаги ўзбек хонликларининг таназзулга юз тутиши ва бирин-кетин подшо Россияси томонидан босиб олиниши бўлди. Марказий Осиёнинг Россия империяси томонидан босиб олиниши бир ҳамла билан амалга оширилган қисқа муддатли ҳарбий-сиёсий ҳаракат бўлмай, қарийб 40 йилни ўз ичига олган ва халқ ҳаётида машъум из қолдирган мураккаб тарихий жараёндир [1, 3,4-б.].

Тарихий жараёнларга назар ташлар эканмиз, ўзбекларнинг янги даврдаги тарихи мустамлакачилик асорати остида кечганлигининг шоҳиди бўламиз. Ўзбеклар, Ўрта Осиёлик бошқа халқлар ва қозоқлар билан бирга, XIX асрнинг 60 йилларида подшо Россияси тарафидан қурол воситаси ила бўйсундирилди [2, 200-б.]. Шу вақтдан бошлаб Ўрта Осиё ва Қозоғистон, том маъноси билан, Русиянинг мустамлакасига айлантирилди. Деҳқончилик маданияти ривожланган бу бой ўлка Русиянинг ривожланиб келаётган саноати учун хом ашё манбаига, қулай ва мўмай фойда келтирувчи бозорига айлантирилди. Оқ подшонинг Туркистондаги маъмурияти ва рус саноатчилари миллатфуруш маҳаллий феодалларнинг кўмагига таяниб, ўлканинг захматкаш, муте халқини беармон таладилар.

Маълумки, Туркистон генерал-губернаторлиги 1867–1886 йилларда вилоят ва уездларга бўлинган эди. Ўрта Осиё хонликлари билан чегарадош жойларда эса уездлар ўрнига уларга мос равишда ҳарбий-худудий бирликлар-округлар, бўлимлар ва районлар ташкил қилинди.

Дастлаб Туркистон генерал-губернаторлиги икки вилоят: маркази Тошкентда бўлган Сирдарё ҳамда маркази Верний шаҳрида бўлган Еттисув вилоятига бўлинарди. Кейинчалик босиб олинган худудлар ҳисобига қуйидаги маъмурий-худудий бирликлар ҳам ташкил қилинди: 1868 йилда – маркази Самарқандда бўлган Зарафшон округи; 1874 йилда – маркази Петроалександровск (Тўрткўл)да бўлган Амударё бўлими; 1876 йилда Қўқон хонлигининг тугатилиши ҳисобига – маркази Янги Марғилон (Фарғона) шаҳрида бўлган Фарғона вилояти.

Еттисув вилояти Сергиополск, Кўпал, Верний, Иссиқкўл ва Тўқмоқ уездларига бўлинган. 1882 йили у Туркистон генерал-губернаторлиги таркибидан чиқарилган.

Сирдарё вилояти таркибида 1868 йили Авлиё-Ота, Қазала, Қурама (маркази-Қўйлиқ қишлоғи), Перовск, Туркистон, Хўжанд ва Чимкент уездлари ташкил қилинди. Тошкент шаҳри мустақил маъмурий бирликни ташкил этди [3; 142].

Тошкент шаҳри Туркистон генерал-губернаторлигининг сиёсий ва маъмурий маркази ҳисобланиб, ўзига хос маъмурият тизимига эга эди. Бу ерда шаҳар маъмуриятини шаҳарнинг махсус бошлиғи бошқарарди. Шаҳарнинг “эски” ва “янги” қисмларида алоҳида жамоат-хўжалик бошқарувлари ташкил қилинган эди. “Эски”

Тошкентда бошқарув аъзолари шаҳарнинг олий табақа вакиллари томонидан сайланарди. “Европа” қисмида эса раҳбарлар Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори томонидан тайинланарди [4].

Қайд қилинганидек, Туркистонда мустамлака ҳокимият тузумининг шаклланиши XIX асрнинг 60-80 йиллари ўрталарида подшо Россиясининг босқинчилик истилолари жараёнида рўй берди. Бошқарувнинг ўзак тамойиллари Русия салтанатининг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий манфаатларига асосланар ҳамда бу вақтга келиб бошқа миллий минтақаларда тўпланган мустамлакачилик тажрибаларига таянар эди. Империянинг асосий вазифалари ҳам ана шуларга мувофиқ тарзда белгиланди: Туркистон халқларининг истилочи тузумга қаршилик кўрсатишининг барча шакллари аёвсиз бостириш, хонлар, беклар, маҳаллий зодагонлар бошчилигидаги илгариги ҳокимият механизмини бузиб ташлаш, Россия давлатчилиги асосларини зўравонлик билан сингдириш ҳамда ўлканинг бой моддий ва инсоний ресурсларини эксплуатация қилишнинг арзон ва самарали тизимини барпо этиш эди [3; 169].

Бу вазифаларни амалга ошириш ҳарбий, ноҳарбий ва суд ҳокимиятини қўл остида бирлаштирган ҳамда бошқарув тизимининг барча ҳал қилувчи бўғинларини эгаллаб олган ҳарбийлаштирилган бюрократиянинг ишига айланди. Фақат волость ва қишлоқ даражасидагина ҳокимиятни ташкил қилиш шунчаки маҳаллий жамоат ихтиёрига бериб қўйилган эди. Бошқарувни “мустақил”, аммо Русия амалдорлари назорати остида амалга ошириши лозим бўлган маҳаллий маъмурият ва судлов органларини шакллантиришнинг “сайлаб қўйилувчи тизими” эълон қилинган эди.

Туркистон жамиятидаги ишлар аҳволи тўғрисидаги бутун ахборотларни ўз қўл остида жамлаган, тўла-тўқис сиёсий ҳокимиятга эга бўлган ҳамда жамият иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳаётини тартибга солишга эришган генерал-губернаторлар ва ҳарбий губернаторлар бу маъмуриятнинг олий бўғини эди.

Туркистондаги мустамлакачилик тажрибаси ҳақида шуни таъкидлаш лозимки, Россия империяси сиёсий доираларининг ўлкадаги хўжалик ва ижтимоий ҳаёт соҳасида қадимий анъаналарига эга бўлган халқларнинг тилини, этник ва тарихий ўзига хослигини тугатиш вазифасини қўймаганлиги маълум. Волгабўйи ва Сибирни, сўнг бошқа ҳудудларни забт этиш билан бирга, у ердаги аҳолининг кўпчилигини зўрлик билан православ динини қабул қилдириш, қўпол равишда руслаштириш сиёсати олиб борилган Иван Грозний давридан бошлаб нафақат геостратегик ва иқтисодий жиҳатдан, балки улуғ рус, шунингдек мусулмонларга қарши экспансия рус мустамлакачилигининг жиддий белгиси эди. Россия империясининг ҳукмрон доиралари, мафкурачилари бу экспансияни ислом динига эътиқод қилувчи халқларни сиёсий ва ғоявий пароканда қилиш учун зарур, деб ҳисобладилар.

Шунингдек, Россиянинг ҳукмрон доираларида, Туркистондаги империяча истилочилик, мустамлакачилик сиёсатини қўллаб-қувватлаб чиққан рус зиёлилари муҳитида кўп миллатли туб аҳолининг маданий, маънавий бойлиги ҳамда анъаналарининг мафкуравий таъсирини заифлаштириш усуллари ва исломни инкор этиш ҳамда руҳонийларнинг машҳур вакиллари мустамлака ҳокимлари тарафига оғдириш ёки православ руҳонийларининг миссионерлик фаолиятини ташкил қилиш

билан баробар мусулмонлик салоҳиятига қарши ошкора таъсир кўрсатиш тўғрисидаги баҳс-мунозаралар тинмай давом этган [5; 138-139].

Туркистон генерал-губернаторлиги тузилгандан кейинги биринчи даврданоқ ўлка ва вилоятлар маъмурияти, жумладан, биринчи генерал-губернатор фон Кауфман, Еттисув вилоятининг Ҳарбий губернатори Н.Колпаковский, Сирдарё вилоятининг Ҳарбий губернатори А.Абрамов мусулмон руҳонийлари иерархик тузилмасини ўзгартириш, мадраса ва мактаблар устидан маъмурий, сиёсий назорат ўрнатишга дарҳол киришиб кетишган эди. Йирик шаҳарлар (Тошкент, Самарқанд, Хўжанд, Чимкент, Авлиёота, Пишпек)да шайхулислом, қозикалон лавозимлари бекор қилинди, анъанавий судлар – ўтроқ аҳолидаги қози ва кўчманчи аҳолидаги бий судлари фаолият соҳаси чекланди ва ҳоказо. Маҳаллий қишлоқ аҳолисининг экин майдонлари, яйловларининг катта қисмини босиб олиш, экспроприация қилиш, чорвадорлар кўчиб юрадиган минтақани қатъий маъмурий-худудий чегаралаш, қишлоқ, овул кўчманчи уруғ-қабилла жамоаларида бошқарувнинг янгича тартибини ўрнатиш орқали ҳукмрон доиралар жамоа ички ва жамоалараро алоқаларини, қишлоқ жамоасининг анъанавий ижтимоий тузилишини жиддий равишда заифлаштиришга эришдилар. Буларнинг ҳаммаси кўчириб келтирилган рус деҳқонларини имтиёзли жойлаштириш билан бир қаторда, улар ҳукмрон бўлиши учун иқтисодий, сиёсий ва маъмурий шароитларни яратарди. Аини маҳалда туб ўтроқ ва кўчманчи аҳолининг ҳуқуқсиз аҳволини доимо намоён этиб туриши зарур эди.

Таъкидлаш жоизки, биринчи генерал-губернатор К.П.Кауфманга император томонидан деярли чекланмаган ваколатлар берилганлиги, генерал-губернаторнинг буюк давлатчилик мавқеи ва маҳаллий халқларга ўта адолатсизлиги ҳамда метрополия аҳолисининг вакиллари ўлкада ўзларини ғолиб деб ҳисоблаганлиги Россия империясининг, мустамлака маъмуриятининг сиёсатида, амалий фаолиятида ўз аксини топди. Тарихий фактларга таянадиган бўлсак, Еттисув ерларига, Сирдарё бўйидаги худудларга 60 йилларда ўз хоҳиши билан кўчиб келган рус аҳолиси орасида шаҳарлик камбағаллар, майда савдогарлар ва қашшоқ деҳқонлар аксариятни ташкил этишган. Улар маҳаллий аҳолига нисбатан қўпол, жинояткорона муносабатда бўлишган. Маҳаллий деҳқонларнинг, чорвадорларнинг ерларини тортиб олиш ҳоллари жуда кўп бўлган [5; 139].

Шу ўринда маҳаллий аҳоли ҳуқуқларининг аянчли топталишидан далолат берувчи ва шахсан биринчи генерал-губернатор билан боғлиқ бир мисол келтирамиз. 1870 йилда Сирдарё вилоятининг Ҳарбий губернаторига юборган фармойишида К.Кауфман: "...Тошкент шаҳри осиеликлар қисмининг айрим аҳолиси шаҳарнинг европаликлар қисмида ёки унга яқин жойда жойларни банд этиб, уларни ўзиникидек ўраб олган. Туб жой аҳолини руслар томонида эгаллаб олган ерлардан чиқариб юборишингизни...сўрайман [6]".

Фон Кауфман амалдаги чекланмаган ҳокимиятидан фойдаланиб, энг аввало, Сирдарё вилоятига кўчиб келган рус аҳолига зарур бўлиб қолганда ер сотиб олишга ҳам рухсат берилиши мумкинлигини белгилаган эди. Лекин русларни, асосан давлат ерларига ҳамда туб аҳолидан тортиб олинган ерларга жойлаштириш кўзда тутилганди [5; 65]. Шунини ҳам қайд этиб ўтиш лозимки, Туркистон эндигина мустамлакага айлантирилаётганда Еттисув ва Сирдарё вилоятларида рус армиясида хизматини ўтаб

бўлган аскарларнинг, метрополиядан кўчиб келган деҳқонларнинг оиласидаги ҳар бир эркакка 30 десятинагача ер берилган. Янги кўчиб келган деҳқонлар барча солиқлар ва тўловлардан озод этилган. Бундан ташқари моддий ёрдамга муҳтож бўлган деҳқонларнинг ҳар бир оиласига 100 рубль узоқ муддатли қарз (ссуда) берилган эди [5; 65].

Қатъий қоидалар ва маҳаллий аҳолини кўчиб келаётганларнинг зулмидан ҳимоялаш чоралари бўлмаган шароитда 1865–1881 йилларда Сирдарё, Фарғона вилоятларига, Зарафшон округига ва Амударё бўлимига 95 мингдан кўпроқ рус деҳқонлари ва шаҳар камбағаллари кўчиб келишди [7]. Русларнинг ва Россиянинг бошқа фуқароларининг Туркистонга, жумладан унинг энг йирик вилояти Сирдарёга кўчиб келтирилишининг қўламлари шу қадар эдики, 1886–1890 йилларда бу вилоятда 42 қишлоқ, шу жумладан Тошкент уездида 9 қишлоқ юзага келди [8].

Ўрганилаётган мавзуга оид архив материалларини, эълон қилинган асарларни ўрганиш ва тадқиқ қилиш империя ҳукмрон доиралари 1886 йил 12 июнда “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида Низом”ни қабул қилгунига қадар ерга мулкчилик шакллари тўғрисидаги масала атайлаб тугал ҳал этилмаган, деган хулоса чиқариш имконини беради. Бу борада бирон-бир қонуннинг йўқлиги мустамлака маъмуриятига ерга мулкчиликнинг турли шакллари у ёки бу шароитга мувофиқлаштирмай, ўз ихтиёрича қарор топтириш имконини берарди.

1886 йилги “Низом”га кўра ер улуши қуйидаги шартларда ажратиларди: ҳар бир ишловчига 10 десятинадан, дастлабки 10 йил давомида солиқдан озод қилиш имтиёзи билан; бундан ташқари ҳар бир кўчиб келувчига 100 рубль миқдорида нафақа иккига бўлиб бериларди (“Низом”нинг 280-284-моддалари). Кўриниб турибдики, ҳокимият доиралари ўзининг минтақадаги мавқеини мустаҳкамлаш учун ерни ҳам, пулни ҳам аямасди [3; 106].

Кейинчалик, ўзбошимчалик билан кўчиб келувчилар оқимининг кучайиши натижасида кўчиб келишни тақиқлаш бефойда бўлгани туфайли, генерал-губернатор Духовской 1898 йили “... Туркистон ўлкасига русларнинг имкон қадар кўчиб келишига йўл очиш” ҳақида кўрсатма берди. 1898 йили дастлабки “Туркистон ўлкасини мустамлака қилиш қоидалари ” тузилиб, уларга асосан 1903 йил 10 июлда “Қишлоқ обивателлари ва мешчанларнинг Сирдарё, Фарғона ва Самарқанд вилоятларидаги давлат ерларига кўнгилли равишда кўчирилиши тўғрисидаги қоидалар” деб номланган қонун тайёрланди ва қабул қилинди.

Ушбу қоидаларнинг 7-моддасига кўра давлат ер майдонлари эркаклар сонига қараб жон бошига: суғориладиган ерлар – 3 десятинагача, яйлов ва ўтлоқлар-зарурат ва имкониятга қараб бериларди. Алоҳида ҳолларда генерал-губернатор кўчиб келувчига берилувчи суғориладиган ер миқдорини эркак жон бошига 5 десятинагача ошириши мумкин эди.

Ҳукумат мустамлака ҳудудларини кенгайтириш ва “руслаштириш” борасидаги ҳаракатларини ХХ аср бошларида ҳам давом эттирди. Бунга, Столипиннинг 1906 ва 1910 йиллардаги машҳур аграр қонунлари, жумладан , ўлканинг туб аҳолисидан “ортиқча ерлар”ни тортиб олиш тўғрисидаги “Туркистон низомининг 270-моддасига қўшимча киритиш ҳақида»ги қонуни асос бўлиб хизмат қилди. Уларга кўра туб аҳоли ерларини экспроприация қилиш амалиёти қонунийлаштирилди ва кучайтирилди, рус

посёлкалари, давлат ўрмон чорбоғлари ва чорвадорлик участкаларини ташкил қилиш мақсадида катта ер майдонлари маҳаллий аҳолидан тортиб олинди.

Маҳаллий аҳоли ерларининг оммавий равишда тортиб олинишини Сирдарё ва Еттисув вилоятлари мисолида кузатиш мумкин. Юқорида таъкидланаётган “ортиқча ерларни тортиб олиш тўғрисида»ги қонун жорий қилинган дастлабки йилдаёқ Сирдарё вилоятининг Авлиёота уездида 100 минг десятинадан ортиқ майдонда янги кўчиб келганларнинг 3 мингта хўжалигига мўлжалланган 63 қишлоқ участкаси ташкил қилинди [9; 156].

1912 йили вилоят кўчиб келувчилар фондига 73674 десятина, шу жумладан 65409 десятина деҳқончилик учун қулай ерлар тортиб олинди. Бу ерларга шу йили вилоятга Россиядан кўчириб келинган 4630 жондан иборат бўлган 1569 оила жойлаштирилди [9; 161-162].

Шу ўринда савол туғилади: Туркистон ўлкасида мактаб, маориф ишлари қандай кечган эди? Америкалик дипломат Ю.Скайлернинг “Туркистон: Россия Туркистони, Қўқон, Бухоро ва Ғулжага саёҳат қайдлари” асари XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёга саёҳати мобайнида кўрган-кечирганлари асосида битилган. Унинг эсдаликларида Туркистондаги таълим ҳақида ҳам қимматли маълумотларга дуч келамиз: “...Умуман бутун Ўрта Осиёдаги каби Тошкентдаги таълим ҳам диний шаклда.

...Мактаблар икки хил: мактаб ёки бошланғич мактаб. Одатда бу ердагилар ҳам масжидга борадилар. Мадрасада олий диний таълим ва ҳуқуқий дарслар ўқитилиб, Тошкентда уларнинг сони ўн еттита бўлиб, энг йирик олтитаси анча шуҳрат қозонган. Мазкур мадрасалардан бири Кўкалдош тахминан 450 йил муқаддам ташкил этилган. Бароқхон мадрасаси эса 320 йил аввал ташкил этилган бўлиб, 100 та талабаси бор. Тўрт юз йил бурун қурилган Бекларбеги мадрасаси энг йирик ва бойи саналади. У тегирмонлар-у ер-мулклардан ташқари, кўплаб дўкон ва уй-жойларга эга бўлиб, 200 та талабага ҳомийлик қилади. Мактабларнинг муаллимларига ўқувчиларнинг оналари ихтиёрий ҳақ тўлаб, у йилига йигирмадан қирқ копейккача ва йилда икки марта нишонланадиган байрам-Рамазон ва Қурбон ҳайитлари арафаси алоҳида совға ва тўн беришдан иборат [10; 124]”.

Ёки бўлмаса, “...Мадраса талабалари ўқиш учун ҳеч нима тўламайдилар. Улар ўз устозлари каби мадрасаларнинг диний харажатлар учун берилган ер ёки мулк шаклидаги вақф ҳисобидан қўллаб-қувватланади. Масжид ва мадрасаларга хайр-эҳсон қилиш асрлар оша энг обрўли, шарафли деб қаралиб, кўплар ҳатто тириклик даврида ҳам ўз бойликларини унга бағишлайдилар [10; 125]”.

Туркистон ўлкаси босиб олингач, Кауфман ўлкада таълимни ривожлантиришни, рус миллати ва маҳаллий халқлар фарзандлари бирга таълим олиши назарда тутилган “рус-тузем» мактаблари ташкил қилинишини тарафдори сифатида иш юритди. Ўз директиваларида у тарбия асосида “диний тафовут эмас, балки проваслав ҳамда мусулмон фарзандларини Россиянинг бир-бирига ўхшаш фуқаролари қилишга кўмаклашувчи бир хил ва айнан қоидалар” туриши лозимлигини зўр бериб уқтирди [11; 5].

Рус-тузем мактабларига ўқитувчи кадрларни тайёрлаш учун 1879 йилда махсус ўқитувчилар семинарияси ташкил қилинди. Аммо мактабларнинг аҳоли узоқ вақтларгача ачинарли аҳволда қолди ва фақат XIX асрнинг 80–90 йилларида маъмурий



тузилмалар ва давлат муассасаларининг бюрократик таъминотида тилмочлар, майда хизматчилар зарурлиги, хизматларга кескин эҳтиёж сезилганлиги туфайли “эшақўлди” нуқтадан силжиди.

Кўчиб ўтиш даврида Туркистон маъмурияти таълим, кўчма посёлкаларда мактаблар қуришга эътибор қаратган. 1907 йилда Авлиёота вилояти бошлиғининг Сирдарё вилояти ҳарбий губернаторига берган ҳисоботида қишлоқ жойларда мактаб таълими тизимини ислоҳ қилиш зарурлиги ҳақида ёзилган. Расмийнинг таъкидлашича, рус қишлоқларида ёшлар мактабни тугатгандан сўнг саводхонликни унутиб, тарқатиб юборилган. Унинг фикрича, бу аҳолининг ҳаракатсизлиги, кутубхоналар ва саводхонликнинг йўқлиги, спиртли ичимликларни суиистеъмол қилиш ва ҳоказоларнинг натижаси эди. Вилоятнинг немис қишлоқларида таълим бошқа тизим асосида қурилган ва яхши натижаларга эришган [12; 30].

Кўчиб келувчиларнинг мураккаб ҳўжалик ва ижтимоий мослашуви ва деҳқончилик учун мос ер участкалари бўлмаган шаҳарчаларига ўзбошимчалик билан ўрнашиб олганлар учун мактаб, черковлар етишмас эди. Европа аҳолиси учун мўлжалланган таълим муассасалари тармоғи давлат ва хусусий билим юртлари, черков-мактаблардан ташкил топган. Аммо, империянинг таълим сиёсатида янги келган аҳолини ўқитиш асосий ўрин эгаллади.

XX аср бошларига келиб умуман таълим сифатида аёллар таълим муассасаларига талаб ортиб борди. Бу умуман Россия империясининг, унинг чекка ҳудудларининг, шу жумладан дашт ўлкаси ва Туркистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденциялари билан боғлиқ. Иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши нафақат ёзиш ва ҳисоблашда бошланғич билимларни, балки юқори, профессионал даражадаги кўникмаларни ҳам талаб қилди. Вазият ўзгариши муносабати билан, масалан, Тошкентда ўрта хотин-қизлар таълим муассасаларининг етишмаслиги кузатилди. 1910 йилги маълумотларга кўра, 300 кишига мўлжалланган қизлар гимназиясида 700 қиз ўқиган. Шу муносабат билан 1913 йилда иккинчи аёллар гимназияси очилди [12; 31].

Қайд этиш лозимки, Россияда аёллар учун профессионал таълим муассасалари бўлиб асосан тижорат, ҳунармандчилик, қишлоқ ҳўжалиги, тиббиёт ва педагогик таълим муассасалари хизмат кўрсатган. Бироқ, чўл ҳудуди ва Туркистоннинг ўзига хос хусусияти талабалар таркиби ўртасидаги фарқ эди. Масалан, Семипалатинск ва Сирдарё вилоятларидаги ўқитувчилар семинарияларида, Акмола вилоятидаги фельдшерлик ва ветеринария-фельдшерлик мактабларида фақат ўғил болалар таҳсил олишган. Бироқ, қизлар Каспий ва Сирдарё вилоятларидаги темирўл мактабларининг ўқувчилари бўлиб, ўғил болалар билан нисбати 50 фоиз ва ундан юқори бўлган. Қизлар тижорат мактабларида ўғил болалар билан бир қаторда, масалан, Фарғона вилоятида 1910 йилда 151 ўғил ва 141 қиз тижорат синфларида, 1912 йилда 235 ўғил ва 148 қиз, Сирдарё вилоятида 1913 йилда 473 ўғил ва 40 қиз ўқишган [12, 31-б.].

Хулоса қилиб айтганда, Россия империяси мустамлакачилик сиёсати Туркистон туб халқларининг ижтимоий-иқтисодий ҳамда фуқаролик аҳволига жиддий таъсир ўтказди. Метрополия Туркистон аҳолисининг кўп миллатлилигини, сони анча кўплигини, унинг тарихий ўзлигини англаш, ҳўжалик фаолияти даражаси анча юқорилигини, шунингдек, Россия империясининг ўлка барқарор ҳукмронлигига тўсқинлик қилиш мумкин бўлган бошқа хусусиятларни ҳисобга олиб, ҳоқимиятнинг

ҳарбий-полициячи тизимини, яъни рус аҳолининг мавқеини мунтазам мустаҳкамлашга, туб халқлар иқтисодий, ижтимоий ва маънавий фаолиятини тобора кўпроқ чеклашга жиддий эътибор берди. Империя ҳукмрон доиралари мустамлака маъмурияти томонидан ўлкани бошқариш бўйича кўзда тутилган шартлар, кўчириб келтирилган руслар учун бериладиган хўжалик, молиявий, ижтимоий имтиёзлар ва уларнинг ўқотар қуролга эга бўлиши эса туб аҳолининг ҳуқуқсизлигини янада кучайтирди.

### Адабиётлар /Литература/References:

1. Набиев А. Мустақиллик учун кураш ёхуд парчаланган Туркистон тарихи. – Тошкент: “Ёзувчи”, 1998. – С. 3-4.
2. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Тошкент: “Ўқитувчи”. 1994. – Б. 200.
3. Абдурахимова Н.А., Эргашев Ф.Р. Туркистонда чор мустамлака тизими. – Тошкент: “Академия”, 2002. – Б. 106, 142, 169.
4. ЎзМА И-1-фонд, 16-рўйхат, 1650-йиғмажилд, 5-варақ.
5. Ғаффоров Ш. Тарих ва тақдир: Россия империясидан Туркистонга кўчирилганлар (XIX асрнинг иккинчи ярми–XX аср бошлари). – Тошкент: “Фан”, 2006. – Б. 65, 138-139.
6. ЎзМА И-1-фонд, 16-рўйхат, 1044-йиғмажилд, 12-варақ.
7. ЎзМА И-16-фонд, 1-рўйхат, 574- йиғмажилд.
8. ЎзМА 17-фонд, 1-рўйхат, 32702-йиғмажилд, 19-20-варақлар.
9. Обзор Сырдарьинской области за 1912 год. – Ташкент, 1914. – С. 161-162.
10. Скайлер Ю. Туркистон: Россия Туркистони, Қўқон, Бухоро ва Ғулжага саёҳат қайдлари (Инглиз тилидан З.А.Саидбобоев тарж. остида). – Тошкент: “O‘zbekiston” НМИУ, 2019. – Б. 124-125.
11. Граменицкий О. Очерки о развитии народного образования в Туркестанском крае. – Ташкент, 1896. – С. 5.
12. Хайназаров Б.Б. Каспийорти вилоятида туб бўлмаган аҳоли эҳтиёжлари учун таълим тизимининг жорий этилиши тарихидан (XIX аср охири–XX аср бошлари) // “Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари”. – Тошкент, 2023. – № 7(3). – Б. 30-31.

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ 8 (3)-2023*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** "SCIENCEPROBLEMS TEAM"  
масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).